

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДУЛЛАЕВ ФИРДАВС ФАРИДОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА МАКУЛЯР
ШИШНИ ДАВОЛАШДА АНГИОГЕНЕЗ ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ
ТАЪСИРИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хамидуллаев Фирдавс Фаридович

Қандли диабет билан оғриган беморларда макуляр
шишни даволашда ангиогенез ингибиторларининг
таъсири ва самарадорлигини баҳолаш..... 3

Хамидуллаев Фирдавс Фаридович

Оценка действия и эффективности ингибиторов
ангиогенеза при лечении макулярного отека
у больных сахарным диабетом 23

Khamidullaev Firdavs Faridovich

Evaluation of the effect and efficacy of angiogenesis
inhibitors in the treatment of macular edema in patients
with diabetes 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДУЛЛАЕВ ФИРДАВС ФАРИДОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ЧАЛИНГАН БЕМОЛЛАРДА МАКУЛЯР
ШИШИ ДАВОЛАШДА АНГИОГЕНЕЗ ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ
ТАЪСИРИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2239 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Норматова Наргиза Миршовкатовна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Янгиева Нодира Рахимовна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Баранов Валерий Иванович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**И.Н.Улянов номидаги Чувашия давлат университети
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй, СамДТУ бош биноси).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (99866) 233 -07-66).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Г.У.Самиева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

М.Т.Насретдинова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотларига кўра, қандли диабет билан касалланганлар сони тобора ортиб бормоқда. «...Қандли диабет билан касалланган беморлар сони 1990 ва 2022-йиллар орилиғида 200 дан 830 миллионгача ортди...»¹. Халқаро диабет федерацияси (IDF) маълумотларига кўра «...2035-йилга келиб қандли диабет билан касалланганлар сони 592 миллионга етиши башорат қилинган...»². Бугунги кунда тобора ривожланиб бораётган жамиятимизда турмуш тарзининг яхшиланиши, механизациялашиш ва компютерлашиш ҳисобига меҳнат шароитидаги энгилликлар инсонларда камҳаракатлилик натижасида келиб чиқадиган ноинфекцион касалликлар кўпаймоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида диабетик макуляр шишнинг кенг тарқалганлиги қайд этилмоқда. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти диабетик ретинопатияга, қандли диабет билан боғлиқ бўлган энг кўп учрайдиган асоратлардан бири сифатида қарайди. Диабетик макула шиши (ДМШ) диабетик ретинопатияни энг кўп кузатиладиган белгиларидан саналиб, макула ичидаги қон томирлардан қонни суюқ қисмининг сизиб чиқиши туфайли юзага келадиган шиш билан характерланади. ДМШ кўришнинг бузилишларига, агар уни даволамаса, кўрликка, шунингдек соғлиқ билан боғлиқ равишда, ҳаёт сифати ва самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин, бу эса жамият учун сезиларли ижтимоий-иқтисодий йўқотишларга олиб келади.

Бизнинг мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, қандли диабет касаллиги фонида ривожланган диабетик макуляр шишни даволашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, ушбу касалликнинг оғир асоратларининг олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда қандли диабет билан касалланган ДМШ даволаш усуллари муқобиллаштириш натижасида касалланиш ва оғир асоратлар ривожланишини олдини олишга, касаллик асоратларини камайтириш ва аҳоли саломатлигини сақлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сон Президент Фармони (ПФ) «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ 5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»

¹ БЖССТ Қандли диабет бўйича глобал маълумотлар ва тавсиялар // 14-ноябрь, 2024 (<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/diabetes>)

² Р.А. Маханбетжанова, А.Н. Нурбақыт. Распространение сахарного диабета в современном мире //Вестник КазНМУ №2-2020ЎЎ

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 22-январдаги ПҚ–102-сон «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

фармонлари, 2017 йил 20 июндаги Президент Қарори (ПҚ) 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ 4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 16 июндаги ПҚ 283-сон «Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий илмий нашрларни таҳлил қилганда, сўнгги йилларда офталмология амалиётида ДМШ билан оғриган беморларда кўриш фаолиятининг бузилиши ва кўр бўлиб қолиш хавфи баланд бўлганлиги сабабли, бу муаммо соғлиқни сақлаш соҳасининг асосий ечимга муҳтож масалаларидан бири ҳисобланади (Kim E.J.2019). Қандли диабет асорати сифатида юзага келадиган ДМШ ни даволаш усулларида бири анти-VEGF терапия, яъни дори воситаларини интравитреал юбориш усули бўлиб, уларнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги асосий халқаро миқёсда олиб борилган тадқиқотлар натижасида тасдиқланган (Busch C, Zur D, Fraser-Bell S va boshqalar 2018). Қандли диабет асоратлари натижасида барча касалликлар орасида барвақт ўлим даражаси бўйича етакчи ўринларни эгаллайди (Котова О. В. 2019). Ушбу касалликларнинг шаклланиш босқичида патогенетик механизмлар аллақачон очиб берилганлигига қарамасдан, касаллик натижасида келиб чиқадиган асоратлар сони ҳанузгача камаймаган, бу асоратларни даволашга бўлган уринишлар сони ортиб бормоқда (Мичурова М. С. 2020).

Бугунги кунда ноқулай эпидемиологик вазият нафақат бутун дунёда, балки МДХ мамлакатларида учраши ўз навбатида қандли диабетнинг ДМШ билан асоратланиши узлуксиз равишда ортиб бориши билан тавсифланади. Бундан ташқари, сўнгги бир неча тизимли шарҳларда диабетик ретинопатияни даволашни турли хил усуллари таққослашлари учун умумий офтальмологик ва инструментал текширув натижаларининг қиёсий таҳлили ўтказилди, ва шундай ҳулоса қилиндики, анти-VEGF-терапия доимо муқобил даволаш усулларида нисбатан бирмунча юқори самарадорликни кўрсатиб беради (Бикбов М.М., Гилманшин Т.Р., Кудоярова К.И. 2023). МДХ даги иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисмида кўриш функциясининг йўқолишига олиб келадиган асосий сабабларидан бири ДМШ дир, ушбу асорат ўз вақтида даволанмаса

беморларнинг 80 – 90 % да кўриш қобилиятининг йўқолиши кузатилиши мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда охирги йилларда қандли диабет ва диабетик макула шиши муаммосига бағишланган, шу билан бирга, ушбу касалликнинг ривожланиши патогенетик механизмлари очиб бериш, эрта ташхислаш ва даволашнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқишга қаратилган, ҳамда ушбу гуруҳдаги беморларни олиб бориш бўйича кенгроқ изланишларни ўтказиш мақсадга мувофиқлиги ҳозирги кундаги асосий муаммолардан биридир ҚДда кўрув аъзоси ўзгаришларининг эпидемиологик жиҳатлари ва ДРнинг ривожланишида ҳавф омилларининг ўрни, ҳавф гуруҳларини аниқлаш (Янгиева Н.Р., 1997), ДР оқибатида юзага келган кўриш ногиронлигида тиббий ёрдамни ташкил қилиш (Джамалова Ш.А., 2018), ҚД билан касалланган беморларда кўз олмаси оптик муҳитлари ва кўз туби ўзгаришларини таҳлил қилиш (Одилова Г.Р., 2023) Коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда диабетик ретинопатияни кечишининг клиник ва функционал жиҳатлари (Махмудов Н.Х., 2023) Диабетик макула шишини бўсаға ости микроимпульсли лазер билан даволаш. (Гиясова А.О., 2024). Шунингдек, ДМШ билан асоратланган қандли диабет билан касалланган беморларда клиник, биокимёвий, иммунологик ва функционал ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш, патогенетик жиҳатдан асослаш ва даволаш бўйича илмий ишларга кам эътибор берилмоқда.

Ушбу юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган қандли диабет диабетда макуляр шиш билан касалланган беморларда даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликнинг олдини олишга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб диабетик макуляр шишни ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида 012000260 рақамли «Жароҳат, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларни профилактика қилиш, диагностика ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш» (2019-2024 йй.) мавзусида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қандли диабетга чалинган беморларда макуляр шишни даволашда иммунологик биомаркерларга, клиник-функционал кўрсаткичларга асосланиб ангиогенез ингибиторларининг таъсирини баҳолаб самарали усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари.

диабетик макула шиши (ДМШ) енгил даражаси аниқланган беморларда ранибизумаб ва бролуцизумаб дори воситаларини қўллашнинг самарадорлигини қиёсий ўрганиш;

ўрта оғир даражали ДМШли беморларда касалликнинг клиник функционал параметрлари ва иммуннологик биомаркерлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш;

диабетик макула шиши бўлган беморларда аниқланган иммуннологик ўзгаришларга асосланиб даволашнинг комбинацияланган усулини, яъни самарадорликка эришиш усулини ишлаб чиқиш;

диабетик макула шишида иммуннологик биомаркерлар даражаси ва морфофункционал ўзгаришлар натижасига асосан даволаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида диабетик макула шиши билан касалланган ва анти-VEGF терапия ўтказилган, жами 152 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Беморларнинг умумий клиник ҳолати, клиник ва лаборатория қон таҳлиллари, максимал коррекцияланган кўриш ўткирлиги (МККЎ), Марказий кўрув майдони (МКМ), оптик когерент томография (ОКТ) бўйича макула зонаси (ТПМЗК) тўр пардаси қалинлиги ва иммуннологик кўрсаткичлар интерлейкин IL-6 ва IL-8.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишда умумофтальмологик (визиометрия, тонометрия, кўз туби биомикроскопияси) инструментал (фундус камера, В-сканерлаш, МКМ, ОКТ), иммуннологик (IL-6 ва IL-8) ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диабетик макула шиши аниқланган беморларда анти-VEGF терапия ва ГКС билан даволашнинг самарадорлиги иммуннологик натижалар асосида узок муддатли терапевтик самарадорлиги асосланган;

қандли диабетга чалинган беморларда клиник ва функционал параметрларни аниқлаш орқали микроваскуляр биомаркерларнинг диабетик макула шиши билан боғлиқлиги исботланган;

қандли диабетга чалинган беморларда диабетик макула шиши анти-VEGF терапия ва ГКС ёрдамида даволанганда иммуннологик биомаркерларнинг камайиши хисобига функционал ва морфологик кўрсаткичлар яхшиланиши орқали клиник самарадорлиги асосланган;

қандли диабетга чалинган беморларда диабетик макула шиши кузатилганда Анти-VEGF дори воситасини куллаш эндотелиал дисфукциясини камайиши туфайли қон томирлар ўтказувчанлигининг яхшиланиши, ГКС ни қўллаш эса IL-6 ва IL-8 нинг миқдори ошишига ва яллиғланишга қарши таъсир килиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк маротаба макуланинг шиши аниқланган беморларда anti-VEGF терапия ва ГКС билан даволашнинг самарадорлиги иммуннологик натижалар асосида дори воситаларини танлаш орқали узок муддатли терапевтик самарадорликка эришилган;

микроваскуляр биомаркерларнинг диабетик макула шиши билан боғлиқлиги клиник ва функционал параметрлар орқали аниқланган;

диабетик макула шиши аниқланган беморларда Бролуцизумаб билан anti-VEGF терапия ва ГКС ёрдамида даволанган беморларда иммунологик биомаркерларнинг камайиши натижасида клиник самарадорликка эришиш функционал ва морфологик кўрсаткичлар орқали аниқланган;

биринчи марта бир қатор интерлейкинларнинг ДМШ клиникаси билан алоқасининг аҳамияти кўрсатилди ва бу орқали даволаш самарадорлигига таъсирини баҳолашнинг янгича ёндашуви ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, антропометрик ва статистик тадқиқот усуллари асосида макуланинг диабетик шиши аниқланган беморларда ўзгаришларининг хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яллиғланиш медиаторлари ва инструментал текшириш хулосалари асосида ётган умумийлик даражаси ва хусусиятларини баҳолаш, диабетик макула шишини кўриш тизимини баҳолаш орқали табақалаштирилган даволаш ва ушбу касалликларнинг олдини олиш усуллари такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диабетик макула шиши аниқланган беморларда анти-VEGF терапияда бролуцизумаб интраветриал қўллаш ёрдамида даволаш дифференциал усуллари ишлаб чиқиш, касалликнинг авж олишини назорат қилиш, касалхонада даволаниш кунларини камайиши ҳамда эрта ногиронлик юзага келиш хавфини камайтириш ва аҳоли саломатлигини сақлашга эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 15-июлдаги 03/01–сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: макуланинг шишиши аниқланган беморларда анти-VEGF терапия ва ГКС билан даволашнинг самарадорлиги иммунологик натижалар асосида узоқ муддатли терапевтик самарадорлиги асосланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: Олинган маълумотларга асосланиб, клиник амалиётда Макуланинг шишишини аниқлаш билан биргаликда иммуннологик натижалар асосида шиш кечишининг динамикасини назорат қилиш, ДМШ билан касалланган беморларда касалликнинг қайталанишини ҳамда анти-VEGF терапия ва ГКС билан даволашни коррекция қилиш имкониятини прогнослаш учун зарур. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар РИКМИАТМ Қашқадарё филиали(27.03.2024й; №25), РИКМИАТМ Жиззах филиали (27.03.2024й; №15) амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий

самарадорлиги куйидагилардан иборат: IЛ 6 ва IЛ 8 миқдори нормадан баланд бўлган диабетик макуляр шиш аниқланган беморларда анти-VGEF терапия ва глюкокортикостероид (дипроспан) билан даволашнинг самарадорлиги касаллик қайталанишини 2 барабар камайишига эришилган ва натижада 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 4 000 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради. Хулоса: ДМШ билан касалланган беморларни даволашнинг кейинги тактикасини аниқлаш учун иммунологик текшириш интерлейкинлар ошган турини (IЛ 6 ва IЛ 8) аниқлаш лозим. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қандли диабетга чалинган беморларда макуляр шишни даволашда ангиогенез ингибиторларининг таъсири ва самарадорлигини баҳолаш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарканд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 26-июндаги 6201-сон хат юборилган.

иккинчи илмий янгилик: қандли диабетга чалинган беморларда клиник ва функционал параметрларни аниқлаш орқали микроваскуляр биомаркерларнинг диабетик макуляр шиш билан боғлиқлиги исботланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: Интерлейкинлар 6 ва 8 нинг ортиши макуланинг диабетик шишишининг ўрта оғир даражаси аниқланган беморларда касаллик клиникаси 2 баробар оғирлашишига ва даволаш муолажалари самарасининг 1,5 марта пасайтиришининг аҳамияти ва уларнинг боғлиқлиги қўшимча текшириш усуллари орқали аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар РИКМИАТМ Қашқадарё филиали(27.03.2024й; №25), РИКМИАТМ Жиззах филиали(27.03.2024й; №15) амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Беморларни даволашда микроваскуляр биомаркерларни аниқламасдан даволаш консерватив даво эффективини 1,5 баробарга тушуриб юборади, тадқиқот гуруҳларида турли хил даволаш усуллари солиштиришда эса статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади, қайсиқим индивидуаллаштирилган тиббиётнинг замонавий тушунчаларига зид ҳисобланади. Хулоса: ДМШ фенотипларидаги шиш жараёнининг турли механизми исботланган, қайсиқим беморларни макуланинг диабетик шишиши ва микроваскуляр биомаркерлар нормадан ошган ёки йўқлиги асосида мураккаб қиммат турувчи консерватив даво усулларида фойдаланмасдан саралаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қандли диабетга чалинган беморларда макуляр шишни даволашда ангиогенез ингибиторларининг таъсири ва самарадорлигини баҳолаш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарканд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 26-июндаги 6201-сон хат юборилган.

учинчи илмий янгилик: қандли диабетга чалинган беморларда макуляр шишиши анти-VGEF терапия ва ГКС ёрдамида даволанганда иммунологик биомаркерларнинг камайиши хисобига функционал ва морфологик кўрсаткичлар яхшиланиши орқали клиник самарадорлиги асосланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: Енгил даражали макуланинг диабетик шишишини даволашда Ранибизумабга нисбатан Бролуцизумабнинг самарадорлиги ОКТ даги натижалари орқали 28 % га, МКМ орқали 9,5 % га ва МККЎ орқали 10 % га самарали эканлиги қиёсий таҳлил қилинган Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Диабетик макуляр шиш билан касалланган беморларнинг илмий тадқиқотлари натижалари Олинган илмий-амалий маълумотлар РИКМИАТМ Қашқадарё филиали(27.03.2024й; №25), РИКМИАТМ Жиззах филиали(27.03.2024й; №15) амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Диабетик макуляр шиш қўлланиладиган анти-VGEF терапияда қўлланиладиган бролуцизумаб ва ранибизумаблар бир-биридан клиник кечиши, беморларнинг ҳаёт сифатига таъсири, макуладаги шишнинг ОКТдаги ўлчамлари, интерейлейкинлар миқдори ҳамда маҳаллий ГКС терапия ўтказиш орқали ажралиб турадиган макуладаги шишнинг давомийлиги билан тавсифланади. бу эса касалликнинг ривожланиши ва хронизациясини камайтиришга имкон беради, даволашга кетадиган дори воситаларга қилинган ҳаражатлар 50 % камайтиради, бу бир йилда 4.000.000 сўмни тежаш имконини беради. Хулоса: Қандли диабетга чалинган беморларда ДМШ бўлганда анти-VGEF препаратларини қўллаш самарадорликка олинган натижаларга асосланиб, ишлаб чиқилган алгоритмга мувофиқ амалий соғлиқни сақлаш учун эрта диагностика чоралари, прогнозлари ва анти-VGEF препаратлари билан даволаш бўйича тавсиялар таклиф этилади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Қандли диабетга чалинган беморларда макуляр шишни даволашда ангиогенез ингибиторларининг таъсири ва самарадорлигини баҳолаш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарканд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 26-июндаги 6201-сон хат юборилган.

тўртинчи илмий янгилик: қандли диабетга чалинган беморларда макуляр шиш кузатилганда Anti-VGEF дори воситасини куллаш эндотелиал дисфункциясини камайиши туфайли қон томирлар ўтказувчанлигининг яхшиланиши, ГКС ни қўллаш эса IL-6 ва IL-8 нинг миқдори ошишига ва яллиғланишга қарши таъсир қилиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Илмий янгиликнинг аҳамияти: Макуланинг диабетик шишиши диагностикасини оптимизациялаштирилиб анти-VGEF дори воситалари билан даволашни такомиллаштирилади ва ривожланган ўзгаришларни эрта аниқлаш ҳамда бартараф этиш орқали касаллик кечишини назорат қилиш, эрта ривожланишини олдини олиш ва кўриш ўткирлигини тиклаш усуллари тиббиётда янгиланди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар «Макуланинг диабетик шишишинг турли босқичларини анти-VGEF дори воситалари билан даволаш алгоритми»

мавзусида илмий тадқиқотлари натижалари РИКМИАТМ Қашқадарё филиали, РИКМИАТМ Жиззах филиали амалиётига жорий этилди (Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт Кенгашининг 2024 йил 13 мартдаги 39-сонли хулосаси). Олинган илмий-амалий маълумотлар :Диабетик макуляр шиш билан касалланган беморларнинг илмий тадқиқотлари натижалари Олинган илмий-амалий маълумотлар РИКМИАТМ Қашқадарё филиали (27.03.2024й; №25), РИКМИАТМ Жиззах филиали(27.03.2024й; №15) клиник амалиётига тадбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Цитокинлар даражаси, клиник ва функционар кўрсаткичлар ўзгаришларини таҳлил қилиш асосида ушбу касалликнинг комбинациялашган усул билан даволаш орқали сарф харажатларни 50% га камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган Хулоса: Клиник, тўр парда марказий чуқурчаси қалинлиги, максимал коррегирланган кўриш ўткирлигини, кўрув органи УТТ диагностикаси асосида қандли диабетга чалинган беморларда макуланинг шишишини ривожланиш механизми диабет омиллари, кўриш ўткирлигидаги пасайиш ва макуладаги шишнинг қалинлигини аниқланди. Олинган натижалар асосида касалликнинг ривожланиши ва хронизациясининг олдини олиш учун анти-VGEF терапияни оптималлаштирилиб бролуцизумаб ва ранибизумабни таққослаш усули ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий -амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби - кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” деб номланган биринчи бобида сўнгги йилларда мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий адабиётлар муҳокамаси келтирилган. Диабетик ретинопатиянинг турлари, шунингдек,

биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари нoproлифератив диабетик ретинопатия (НПДР) ва Диабетик макула шиши (ДМШ) нинг диагностикаси ва клиник кўринишлари, ва ушбу мавзуга тегишли илмий ишлари ўрганилди, бундан ташқари, этиологияси ва патогенезини ўрганиш бўйича сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар таҳлил этилган. Диабетик макула шиши (ДМШ) диабетик ретинопатиянинг роли ҳақида маълумот берилган ва патогенезини ўрганиш бўйича сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар таҳлил этилди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усулларини таснифлаш”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектлари, кўлами ва усуллари келтирилган. Тадқиқот объекти Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида олиб борилди. Ушбу тадқиқот ишлари 2021-йилдан 2023-йилгача давом эттирилиб, илмий ишга қандли диабетга чалинган беморларда диабетик макула шиши аниқланган ҳолатлар жалб қилинди. Клиник самарадорликка эришиш учун 152 нафар беморлар танлаб олинди ва 2 гуруҳга ажратилди сўнгра тадқиқот ишлари олиб борилди. Назорат гуруҳига 28 нафар амалий соғлом кишилар жалб қилинди.

Илмий тадқиқотида бир гуруҳга кирувчи аммо фармакологик хусусиятлари билан бир-биридан фарқланувчи брoлуцизумаб ва ранибизумаб препаратлари ишлатилди. Препаратлар эндотелиал ўсиш омили - А (VEGF-A) бўлиб, моноклонал антитаналарнинг клинико-фармакологик гуруҳига киради. Брoлуцизумаб интравитреал юбориш учун эритма клиник дозаси 6 мг/мл:молекуляр оғирлиги 25кДа:инъекцияда молекулалар сони 11.2-13.3: флаконда 0,23 мл 1 дона. Ранибизумаб интравитреал юбориш учун эритма клиник дозаси 0.5 мг/мл:молекуляр оғирлиги 48кДа:инъекцияда молекулалар сони 0.5-0.6: флаконда 0,27 мл 1 дона. Биринчи гуруҳдаги беморлар икта (иккита)кичик гуруҳларга бўлиниб алоҳида 38 тадан брoлуцизумаб ва ранибизумаб препаратлари интравитреал соҳага 0,2 мл дозада юборилди. Препаратни интравитреал юбориш операция хонасида жарроҳлик асбоблари ёрдамида, микроскоп остида стандарт усул бўйича амалга оширилди. Иккала кичик гуруҳдаги беморларга ҳар 28 кунда 1 марта муолажа амалга оширилди. 2-гуруҳдаги беморлар ҳам икта кичик гуруҳларга ажратилиб, бир хил тартибда уларга ҳам брoлуцизумаб ва ранибизумаб интравитреал воситаларни қўлланилди. Биринчи гуруҳдаги беморлардан фарқли равишда 7 кун олдин тенон капсуласи остига маҳаллий эпibuлбар анестезия билан 0,5 мл дипроспан қўлланилди. Иккала гуруҳдаги беморларга динамик кузатув ҳар 6 ой давомида амалга оширилди.

Монотерапия сифатида интравитреал ранибизумаб ва брoлуцизумаб қўлланилган 1-гуруҳга енгил даражали ДМШ нoproлифератив ретинопатия билан касалланган 76 нафар беморлар шартли равишда 38 нафардан 1 А ва 1 Б гуруҳларга ажратилди, уларнинг 33 нафари аёллар ташкил қилса, қолган 43 нафарини эркалар ташкил қилди, ушбу гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши 59,8 ёшни ташкил қилади. қилди эмасми

2-гуруҳга жалб қилинган ДМШ ўрта оғир даражаси нoproлефератив диабетик ретинопатия билан оғриган 76 нафар беморлар ташкил қилиб улар

38 нафардан 2 А ва 2 Б гуруҳларга ажратилиб интравитреал ранибизумаб ва бролуцизумаб воситаларини қўллашдан олдин дипроспан дори виситаси субтенон қўлланилди. Беморларнинг 37 нафарини аёллар ташкил қилса, қолган 39 нафарини эркаклар ташкил қилди, ушбу гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши 64,3 ёшни ташкил қилади.

Олиб борилган ушбу тадқиқот усули ДМШ аниқланган беморларда комбинацияланган даволаш усулининг самарадорлигини аниқлашга асосланган. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун диабетик макула шиши мавжуд бўлган беморларни даволашдан олдинги офталмологик текширувлар: визиометрия, тонометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, ОКТ, компютерли периметрия, иммунологик текширувлар ўтказилди.

Диссертацияни “**Диабетик макула шишининг динамик кузатув натижалари**” деб номланган учинчи бобида биринчи асосий гуруҳга жалб қилинган 76 нафар беморларнинг клиник хусусиятлари келтирилган.

Қуйидаги 1-жадвалда келтирилган маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, 1 А гуруҳ беморларида муолажалардан кейин ижобий натижалр аниқланди. Беморларда кўз туби биомикроскопиясида сезиларли клиник ўзгаришлар кузатилмади. Тонометрияда анти-VEGF терапиягача КИБ $17,8 \pm 1,1$ мм.сим.уст эканлиги аниқланган бўлса муолажадан кейин $17,9 \pm 1,3$ мм.сим.уст га тенглиги аниқланиб ушбу кўрсаткичларнинг тадқиқот ишимизда аҳамиятли ўзгариш кузатилмади.

1-жадвал

МККЎ текшируви натижалари (M±m)


Кўрсаткичлар	МККЎ
Бролуцизумаб қўлланилган беморлар n= 38	
Даволаш муолажаларидан олдин	0,23±0,09
1-ойдан кейин	0,76±0,01
2- ойдан кейин	0,78±0,02
3- ойдан кейин	0,8±0,005
4- ойдан кейин	0,81±0,1
6- ойдан кейин	0,80±0,2
Ранибизумаб қўлланилган беморлар n= 38	
Даволаш муолажаларидан олдин	0,24±0,07
1-ойдан кейин	0,71±0,3
2- ойдан кейин	0,73±0,03
3- ойдан кейин	0,76±0,1
4- ойдан кейин	0,77±0,02
6- ойдан кейин	0,54±0,03

эслатма: * - гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги (*- $p < 0.05$; * * - $p < 0.01$)

Беморларни даволаш муолажаларидан олдин Бролуцизумаб қўлланилган 38 нафар беморларда МККЎ 0,23 ни ташкил қилган бўлиб, дастлабки ой охирида ушбу натижа 2,2 бараварга яхшиланган бўлса. 2-ой охирида 2,3 бараварга, учинчи ой охирида ушбу кўрсаткич 3,47 баравар, 4-ой охирида ушбу кўрсаткич 3,5 ни ташкил қилган бўлса 6 ой охирида МККЎ 3,5 бараварга ортиб даслабки ҳолатга нисбатан яхши натижага эришилган.

Беморларни даволаш муолажаларидан олдин Ранибизумаб қўлланилган 38 нафар беморларда МККЎ 0,24 ни ташкил қилган бўлиб, дастлабки ой

охирида ушбу натижа 2,95 баравар, 2-ой охирида МККЎ 3 марта, учинчи ой охирида ушбу кўрсаткич 3,1, 4-ой охирида ушбу кўрсаткич 3,2 баравар яхшиланган бўлса 6 ой охирида 2,24 бараварни ташкил қилди ва ярим йилга бориб даволаш самарадорлиги пасайгани аниқланди (1-жадвал).



эслатма: * - гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончилиги (*- p<0.05; * * - p < 0.01)

1-расм. МКМ (марказий кўрув майдони) нинг муолажаларидан олдинги натижалари (M±m)

Бролуцизумаб дори воситаси қўлланилган 38 нафар беморларда муолажалардан кейин марказий кўрув майдони текширилиб борилганда MD аниқланганда дастлабки текширишдан кейин -6,2 28 кундан кейин текширилганда дастлабки ҳолатга нисбатан 1,3 марта, иккинчи ойда марказий кўрув майдони аниқланганда 38 нафар беморларда MD (mean deviation) 1,34 марта, уч ойдан кейин аниқланганда 1,55 марта, 4 ойдан кейин ушбу кўрсаткич 2,1 марта ва 6 ойдан кейин бошланғич ҳолатга нисбатан 2,2 марта юқори ижобий натижа аниқланди. Ушбу гуруҳдаги беморларда МКМ да PSD (pattern standard deviation) муолажалардан олдин 5,36 дБ лиги аниқланган бўлса даволашдан 28 кун ўтгач кейин 1,39 марта, Бролуцизумаб дори воситасини қабул қилгандан кейин иккинчи ой охирида PSD (pattern standard deviation) 1,52 марта, учинчи ой охирида ушбу кўрсаткич аниқланганда 1,7 марта, 4-ой сўнгида ушбу кўрсаткич 2,2 марта ва 6 ой охирида натижа 2,23 бараварга ортиб дастлабки ҳолатга нисбатан яхши натижага эришилган (2-жадвал).


Ранибизумаб дори воситаси қўлланилган 38 нафар беморларда муолажалардан кейин Марказий кўрув майдони текширилиб борилганда MD (mean deviation) муолажалардан олдин -5,4 дБ бўлса 28 кундан кейин текширилганда натижа 1,2 марта, иккинчи ойда 1,1 баравар, уч ойдан кейин 1,19 марта, 4 ойдан кейин ушбу кўрсаткич 1,3 марта ва 6 ойдан кейин яхшилангани аниқланди. Ушбу гуруҳдаги беморларда МКМ да PSD (pattern standard deviation) 4,9 дБ бўлса 28 кундан кейин 2,1 марта иккинчи ой охирида 1,36 марта учинчи ой охирида 1,16 марта 4-ой сўнгида ушбу кўрсаткич 1,42 марта ва 6 ойдан кейин 1,4 марта натижа ошди.

Ранибизумаб дори воситаси қўлланилган 38 нафар беморларда муолажалардан кейин Марказий кўрув майдони текширилганда дастлабки ойда VFI (Visual Field Index) 80 % ни ташкил қилган бўлса иккинчи ой охирида ушбу кўрсаткич 84 % ни ташкил қилди 3 – ой охирида 89 % эди ва 4 ой охирида ушбу натижа 93 %, 6 ойдан кейин 87 % ни ташкил қилди ва 1 А гуруҳга нисбатан паст натижа аниқланди (2-жадвал).

**МКМ (марказий кўрув майдони) нинг муолажаларидан кейинги
натижалари (M±m)**

	1-гурух, n=76									
	Бролуцизумаб қабул қилган беморлар, n= 38					Ранибизумаб қабул қилган беморлар, n= 38				
	1 ойдан кейин	2 ойдан кейин	3 ойдан кейин	4 ойдан кейин	6 ойдан кейин	1 ойдан кейин	2 ойдан кейин	3 ойдан кейин	4 ойдан кейин	6 ойдан кейин
MD – ўртача девитация (сўз тўғрими) нормал кўрсаткич > - 2,0 дБ (до 2 дБ)	-4,61 ± -1,02	-4,6 ± -0,94	-4,0 ± -0,73	-3,02 ± -0,1	-3,01 ± -0,5	-4,5 ± - 1,02	-4,64 ± -0,94	-4,53 ± -0,73	-4,42 ± -0,20	-4,53 ± -0,20
PSD – намуна стандарт девитация нормал кўрсаткич < 2,0 дБ	3,84 ± 0,02	3,51 ± 0,3	3,14 ± 0,1	2,4 ± 0,3	2,41 ± 0,2	3,8 ± 0,02	3,6 ± 0,4	4,2 ± 0,01	3,45 ± 0,35	3,5 ± 0,35
VFI – визуал майдон индекси	83,4 %	88,3 %	90,0 %	95,3 %	95,4 %	80 %	84 %	89 %	93 %	87 %

эслатма: * - гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлиги (*- p<0.05; ** - p < 0.01)



2-расм. Даволаш муолажаларидан кейинги ОҚТ натижалари (M±m)

Биринчи А гуруҳдаги Бролуцизумаб дори воситаси қўлланилган 38 нафар беморларда муолажалардан кейин ОҚТ да Тўр парданинг фовеа соҳасидаги марказий қалинлиги 1 ойдан кейин 1,38 марта, 2 – ойда 1,46 марта, 3 – ойдан кейин ушбу натижа 1,54 марта, 4 ойдан кейин 1,77 баробар ва 6 ойдан сўнг 2 баробар ижобий натижа аниқланди. Тўр парда шишининг фовеадан ташқари соҳада максимал баландлиги Ранибизумаб дори воситаси қўлланилгандан кейинг ой охирида 1,18 марта, иккинчи ой охирида 1,21 марта, 3 – ой охирида 1,38 марта, 4 – ой якунида 1,44 ва 6 ой охирида 1,5 марта самарадорликга эришилди. Ушбу восита қўлланилган беморларда Тўр парда шишининг майдони 1-ой охирида 1,39 марта, 2 – ой охирида 1,4 марта, 3 – ой охирида 1,4 марта ва Бролуцизумаб қўлланилгандан кейинги 4-ойнинг охирида 1,6 марта самарали натижа аниқланди ва бу 1 Б гуруҳга нисбатан ижобий эди (3-жадвал).


Даволаш муолажаларидан кейинги ОКТ натижалари (M±m)

	1-гурӯх, n=76									
	Бролуцизумаб қабул қилган беморлар, n= 38					Ранибизумаб қабул қилган беморлар, n= 38				
	1 ойдан кейин	2 ойдан кейин	3 ойдан кейин	4 ойдан кейин	6 ойдан кейин	1 ойдан кейин	2 ойдан кейин	3 ойдан кейин	4 ойдан кейин	6 ойдан кейин
Тўр парданинг фовеа соҳасидаги марказий қалинлиги	287,49± 2,2	272,11± 2,4	257,09± 2,5	224,38± 2,2	223,3± 2,1	298,4± 2,6	290,43± 2,8	288,24± 2,6	231,25± 2,3	291,2± 2,7
Тўр парда шишининг фовеадан ташқари соҳада максимал баландлиги	299,8± 2,8	291,3± 2,72	258,8± 2,54	245,4± 2,44	242,3± 2,3	300,5± 2,95	245,6± 2,3	297,8± 2,86	272,3± 2,77	300,3± 2,98
Тўр парда шишининг майдони	1285,4± 12,2	1276,6± 12,5	1278,4± 12,6	1125,6± 11,3	1128,1± 11,8	1606,3± 15,0	1456,1± 14,2	1383,51± 13,1	1167,13± 11,2	1259,13± 12,5

эслатма: * - гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлиги (*- p<0.05; ** - p < 0.01)

Диссертациянинг “**Диабетик макула шиши аниқланган беморларда иммунологик таҳлилларга асосланган ҳолда анти VEGF терапия таҳлили**” деб номланган тўртинчи бобида ДМШ ўрта оғир даражаси нопролефератив диабетик ретинопатия билан барча беморлар цитокинлар миқдори баланд бўлган беморларда 4 ой тадқиқот натижалари келтирилган.

ДМШ ташхисини аниқланган беморларда қон биохимиясида ва гемостатик таҳлил натижалари таҳлил ҳамда тўр парда ўзгаришларининг даражасига қандли диабет билан боғлиқ аҳамият қаратилди. Макуляр шиши ташхисини қўйишда ДМШ нинг клинко лаборатор белгиларига асосланди



3-расм. Даволаш муолажаларидан олдинги иммунологик кўрсаткичлар

